



**ИСКАНДАРОВ ЭРМАТ АЛИМҚУЛОВИЧ
(1958-2020)**

Искандаров Эрмат Алимкулович Ленинградда психология мутахассислигидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган ноёб мутахассислардан эди. Унинг бевақт ўлими минтақада шусиз ҳам кадрлар тақчиллиги сезилиб турган психология фанлари соҳаси учун катта йўқотиш бўлди.

Э.А.Искандаров 1958 йил 20 июлда, у пайтлар Самарқанд вилояти таркибида бўлган ҳозирда Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилиб, шу ерда ўрта мактабни имтиёзли тугатади. 1977-1983 йилларда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) университети талабаси, 1986-1989 йилларда ушбу университет аспиранти сифатида фаолият олиб боради. Университетни битиргач, Самарқанд давлат педагогика институти ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, 1993-1996 йилларда Самарқанд давлат университети кафедра мудири, 1996-2001 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар инс титутининг мактабгача таълим, педагогика ва психология кафедраси доценти вазибаларида ишлайди.

Э.А.Искандаров қаерда, қайси лавозимда ишламасин ўзининг юксак эрудицияси, кишиларга нисбатан бўлган ўта юқори муомала савияси, эътиборли муносабати орқали фавқулудда ҳурмат қозона билган зиёли, том маънода ўз касбининг устаси бўлган катта олим-мутахассис эди. Ҳамкасблар бу Инсон билан бирга ишлашганларидан, шогирдлар шундай олимдан сабоқ олганларидан ғурурланишарди. Бундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлган инсон ҳеч шубҳасиз кишилар назаридан чет қололмасди. Натижада унинг бу қобилияти олимни 2001-2006 йилларда фаолият олиб борган ва ўзи ташаббускорларидан бири бўлган, нафақат вилоят ва минтақада, балки юртимизда эътибор қозонган “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш марказига етаклади. Эрмат Алимкулович бу марказда бутун минтақада ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига, бу соҳаларнинг психологик жихатдан мустаҳкам тайёрланган кадрлар билан таъминланишига, иқтисодий кредитларни психологик тайёр, ишончга сазовор тадбиркорларга, ишбилармонларга ажратилиши ва қайтарилишини мониторинг қилиш ишларига, психология хизматини ташкил этишга муносиб ҳисса қўшди. У бу жабҳаларда ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи етук психолог сифатида обрў қозонди.

Э.А.Искандаровнинг шундан кейинги илмий-ижодий фаолияти Самарқанд давлат чет тиллар институти билан боғлиқ кечди. У 2006 йилдан бошлаб СамДЧТИ доценти, 2008-2013 йилларда маънавий-маърифий ишлар бўйича институт проректори, магистратура бўлими бошлиғи, педагогика-психология кафедрасининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Устоз сўнгги йилларда институтнинг факультетлараро педагогика ва психология кафедраси доценти лавозимида ишлаётган эди.

Психология фанлари номзоди, доцент, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган устоз Э.А.Искандаровдан қатор китоблар, юзлаб илмий мақолалар, кўпдан-кўп шогирдлару, элу юртга муносиб хизмат қилаётган солиҳ ва солиҳа фарзандлар қолди. Улар юрт истиқболи, миллат фаровонлиги ва бу зиёли Инсоннинг муқаддас хотирасини ёдда сақланишига муносиб хизмат қилишига ишонамиз. Биз ҳамкасблар, содиқ шогирдлар олимнинг порлоқ хотирасини доимо ёдда сақлаймиз.

Тахририят

“XORIJIY FILOLOGIYA” ILMIY-USLUBIY JURNALIGA MAQOLALARNI TAQDIM ETISH TARTIBI

Nashrga original, ilgari nashr qilinmagan maqolalar va jurnal mavzusiga mos keladigan materiallar qabul qilinadi. Original maqolaning hajmi 10-12 betdan oshmasligi kerak. Maqola Microsoft Word dasturi, «Times New Roman» shrifti, 14 kegl, sahifa maydoni barcha tomondan 2 sm va 1,5 intervalda rasmiylashtirilishi kerak.

Oo'lyozmaning nomi:

Maqola va boshqa materiallar sarlavhasi yetarlicha qisqa, mazmunga muvofiq va 13 so'zdan oshmasligi kerak.

Mualliflar:

Mualliflarning nomlari quyidagi tartibda to'liq qayd etilishi kerak: familiyasi, ismi, keyin uning otasining ismi, ikki yoki undan ortiq mualliflar uchun vergul bilan ajralib turiladi. Oxirgi muallif qolgan muallifdan «va» so'zi bilan ajratilishi kerak.

Muallif (lar) ning ish joyi:

Ushbu ma'lumot quyidagi tartibda taqdim etilishi kerak: institut, shahar va mamlakat. Muallif o'zining pochta manzili, telefon raqami, faks raqami (agar mavjud bo'lsa), elektron pochta manzilini keltirib o'tishi kerak.

Annotatsiya va kalit so'zlar:

Agar maqola o'zbek tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya rus va ingliz tillarida; maqola rus tilida yozilgan bo'lsa, annotatsiya o'zbek va ingliz tillarida, xorijiy mualliflar uchun esa annotatsiya rus va o'zbek tillarida qisqa va aniq bo'lishi kerak. Annotatsiya “Adabiyotlar” dan keyin, 8-10 ta *kalit so'z va iboralar* maqolaning boshida muallif nomidan keyin ko'rsatilishi kerak.

Maqolaning mazmuni

Maqolaning *asosiy qismida* tadqiqot jarayoni va erishilgan natijalarning batafsil bayoni beriladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

Adabiyotlar ro'yxati GOST R 7.0.5.-2008 talablariga javob berishi kerak. (Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу).

Matn ichidagi adabiyotlarga havolalar kvadrat qavs ichida muallifning familiyasi, nashr yili va sahifasi tartibida beriladi. [Bo'ronov 2002: 3]. Agar havolada bir nechta adabiyotdan foydalanilganligi ko'rsatilsa ular nuqtali vergul bilan ajratiladi [Safarov 2018: 30; Hakimov 2013: 76].

Maqolada *foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati* matn oxirida, alfavit tartibida “Adabiyotlar” sarlavhasi ostida beriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatida oxirgi 10 yilda chop etilgan ishlar berilishi maqsadga muvofiqdir. Ilmiy maqoladagi adabiyotlar ro'yxati 10 tadan, adabiyotlar sharhi esa 20 tadan oshmasligi kerak.

Adabiyotlar ro'yxatini rasmiylashtirish bo'yicha namunalari:

Monografiya

Bushuy T., Safarov Sh. Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi. –Toshkent: Fan, 2007. – 234 b.

Roget P.M. Roget's Thesaurus of English Words and Phrases. London: Penguin books, 2000. 810 p.

Jurnaldan maqolalar

Трегубов, А.Н. О возможностях использования метода бинарного семантического анализа лексики //Вестник ВЭГУ. - 2009. - №3(41). - С. 97-103.

Cornish F. Relations de coherence et anaphores en contexte inter-phrastique: une symbiose parfaite // Langages, 2006, 40e annee, n°163. P. 37–55.

To'plamlardan maqolalar